

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ГАЙНЕКС® ФОРТЕ

Препаратнинг савдо номи: Гайнекс® Форте

Таъсир этувчи модда (ХПН): метронидазол ва миконазол нитрат

Дори шакли: вагинал суппозиторийлар

Таркиби:

Ҳар бир вагинал суппозиторий қўйидагиларни саклайди:

фаол моддалар: метронидазол – 750 мг, миконазол нитрати – 200 мг;

ёрдамчи моддалар: қаттиқ ёғ.

Таърифи: оқ рангдан оч-сариқ ранггача бўлган торпеда шаклидаги суппозиторийлар.

Фармакотерапевтик гурухи: гинекологияда қўлланиладиган антибактериал, протозойга қарши ва замбуруғларга қарши препарат.

ATX коди: G01AF20

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Гайнекс® Форте суппозиторийлари таркибига замбуруғларга қарши таъсирга эга миконазол нитрат ҳамда антисептик ва антитрихомонад таъсирга эга метронидазол киради. Миконазол нитрат замбуруғларга қарши таъсирга эга имидазолнинг синтетик ҳосиласи ҳисобланади, кенг таъсир доирасига эга, айниқса, патоген замбуруғларга, шу жумладан *Candida albicans*га қарши курашда самарали. Бундан ташқари, миконазол нитрат Грам (+) бактерияларга қарши курашда самаралидир. Миконазол нитрат ўз таъсирини цитоплазматик мемранада эргостерол синтези орқали амалга оширади. Миконазол нитрат *Candida* ҳар хил турлари микотик ҳужайралари ўтказувчанигини ўзгартиради ва *in vitro* глюкоза утилизация қилинишини сусайтиради.

5-нитроимидазол ҳосиласи метронидазол антипротозой ва антибактериал препарат ҳисобланади ҳамда анаэроб бактериялар ва *Trichomonas vaginalis*, *Gardnerella vaginalis* каби оддий бир ҳужайрали организмлар, шунингдек анаэроб стрептококкларни ўз ичига оладиган анаэроб бактериялар томонидан чақирилган айрим инфекцияларга қарши самаралидир.

Миконазол нитрат ва метронидазол синергик ёки антагонистик таъсирга эга эмас.

Фармакокинетикаси

Сингииши

Миконазол нитрат: миконазол нитратнинг интравагинал абсорбцияси жуда қуий (дозанинг тахминан 1.4%).

Миконазол суппозиторийлари интравагинал қўлланилганидан сўнг миконазол нитрат плазмада аниқланмайди.

Метронидазол: интравагинал қўлланилганида метронидазолнинг биокираолишлиги перорал қўлланилган ҳолатдагига нисбатан 20% ни ташкил этади. Ҳар куни метронидазол суппозиторийлари интравагинал қўлланилганидан сўнг метронидазолнинг плазмадаги концентрацияси мувозанатли даражалари 1.6-7.2 мкг/мл ни ташкил этади.

Тақсимланиши

Миконазол нитрат: оқсиллар билан боғланиш даражаси 90%-93% ни ташкил этади. Орқа мия суюқлигига тақсимланиши анча қуий, бироқ у бошқа тўқималарда яхши тақсимланади. Тақсимланиш ҳажми 1400 л ни ташкил этади.

Метронидазол: организм тўқималарида ва суюқликларида, шу жумладан сафро, сужук тўқимаси, сут безлари, сут, бош мия абсцесслари, орқа мия суюқлиги, жигар ва жигар

абсцесслари, сүлак, маний ва вагинал секретда кенг тақсимланади ҳамда плазмадаги шундай концентрацияларга ўхшаш концентрацияларга эришилади. Йўлдош орқали ўтади ва тезда ҳомила қон айланишига тушади. 20% дан кўп бўлмаган микдори плазма оқсиллари билан боғланади. Тақсимланиш ҳажми 0.25-0.85 л/кг ни ташкил этади.

Метаболизми

Миконазол нитрат: жигарда метаболланади. Иккита фаол бўлмаган метаболит (2,4-дихлорфенил-1 Н имидазолэтанол ва 2,4-дихлор бодом кислотаси) аниқланган.

Метронидазол: жигарда оксидланиш орқали фаол гидрокси-метаболитга метаболланади. Метронидазолнинг асосий метаболитлари гидрокси-метаболит ва сирка кислотаси сийдик билан чиқарилади. Гидроксил метаболити метронидазолнинг 30% биологик фаоллигига эга.

Чиқарилиши

Миконазол нитрат: ярим чиқарилиш даври 24 соатни ташкил этади. 1% дан камроқ микдори сийдик билан чиқарилади. Тахминан 50 фоизи, одатда, ўзгармаган шаклда ахлат билан чиқарилади.

Метронидазол: ярим чиқарилиш даври 6-11 соатни ташкил этади.

Метронидазол дозасининг тахминан 6%-15% микдори ахлат билан чиқарилади, 60%-80% микдори ўзгармайди ва метаболитлар каби сийдик билан чиқарилади. Метронидазолнинг тахминан 20% микдори ўзгармаган шаклда сийдик билан чиқарилади.

Қўлланилиши

Candida albicans замбуруғли микроорганизмлар томонидан чақирилган кандидозли вульвовагинитни даволаш, бактериал вагинитни даволаш, шунингдек *Trichomonas vaginalis* томонидан чақирилган трихомонадли вагинитни ва аралаш вагинал инфекцияларни даволаш учун қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалар

Дозалари

Шифокор буюрмаган ҳолатда қўлланилмасин.

Агар шифокор томонидан бошқа усул тавсия этилмаса: суппозиторий 7 кун давомида кечаси ухлашдан олдин ҳазнага чуқур жойлаштирилиши керак. Такрорий даволашда 14 кун давомида кечаси битта суппозиторий қўлланилиши тавсия этилади.

Менструал даврда препарат самарадорлиги камайиши ёки қўлланилиш вақтида бошқа қийинчиликлар пайдо бўлиши туфайли Гайнекс® Форте суппозиторийлари қўлланилиши тавсия этилмайди.

Қўллаш усули

Фақат интравагинал қўллаш учун мўлжалланган.

Гайнекс® Форте суппозиторийлари ётган ҳолатда ҳазнага чуқур жойлаштирилиши керак.

Перорал ёки бошқа усулда қўлланилмасин.

Алоҳида пациентлар гурӯҳлари учун қўшишимча ахборот

Буйрак/жигар етишмовчилиги

Буйрак етишмовчилигига метронидазолнинг ярим чиқарилиш даври ўзгармайди. Тегишли равишда, дозани камайтириш талаб қилинмайди, бироқ гемодиализ талаб қилинадиган буйраклар функцияларининг жиддий бузилишларида дозага тузатиш киритилиши керак.

Жигар функцияларининг жиддий бузилишларида метронидазол клиренси бузилиши мумкин. Метронидазол қон плазмасида даражасини ошириши туфайли энцефалопатия симптомларини кучайтириши мумкин, шу туфайли жигар энцефалопатияси бўлган пациентларда эҳтиёткорлик билан қўлланилиши керак.

Болалар ёшидаги пациентлар

18 ёшдан кичик ёшдаги болаларда қўлланилмайди.

Кекса ёшидаги пациентлар

Маълумотлар йўқ.

Ножўя таъсирлари

Кўйида келтирилган ножўя ҳолатларнинг такрорланиш тезлиги қўйидаги тавсифга асосан аниқланади: жуда тез-тез ($>1/10$); тез-тез ($\geq 1/100$ дан $<1/10$ гача); тез-тез эмас ($\geq 1/1,000$ дан $<1/100$ гача); кам ҳолларда ($\geq 1/10,000$ дан $<1/1,000$ гача); жуда кам ҳолларда ($<1/10,000$); такрорланиш тезлиги номаълум (мавжуд маълумотлар бўйича баҳоланиши мумкин эмас).

Тизимли ножўя таъсирларнинг такрорланиш тезлиги жуда кам, чунки метронидазол интравагинал қўлланилганидан сўнг плазмада жуда қўйи даражалари кузатилади (перорал қабул қилишга нисбатан 2-12%). Миконазол нитрат қўлланилиши, бошқа интравагинал қўлланиладиган имидазол ҳосилалари, замбуругларга қарши препаратлар каби вагинал яллигланишни (ловуллатиб ачитиш, қичишиш) чақириши мумкин (2-6%). Ушбу симптомлар даволаш давом эттирилишига қараб сезиларли даражада камаяди. Жиддий яллигланишлар пайдо бўлган ҳолатда, даволашни тўхтатиши керак.

Тизимли қўлланилганида пайдо бўладиган ножўя таъсирлар қўйида келтирилган:

Қон ва лимфатик тизим томонидан бузилишилар

Такрорланиш тезлиги номаълум: Лейкопения

Иммун тизим томонидан бузилишилар

Такрорланиш тезлиги номаълум: Ўта юқори сезувчанлик реакциялари, аллергик реакциялар, оғир даражали анафилаксия ҳолатлари.

Психик бузилишилар

Тез-тез эмас: Депрессия

Жуда кам ҳолларда: Психик бузилишлар.

Нерв тизими томонидан бузилишилар

Тез-тез: Бош айланиши, бош оғриши.

Такрорланиш тезлиги номаълум: Чарчоқлик ёки кучсизлик, атаксия, конвульсия, метронидазол билан интенсив ва/ёки узоқ вақт даволаниш туфайли периферик невропатия.

Меъда-ичак йўли томонидан бузилишилар

Такрорланиш тезлиги номаълум: Таъм сезишлар ўзгариши, металл таъми, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич қотиши, оғиз қуриши, диарея, иштаҳа йўқолиши, қориндаги оғриқ ёки спазмалар.

Умумий бузилишилар ва дори юборилган жойдаги реакциялар

Жуда тез-тез: Ҳазнадан ажратмалар.

Тез-тез: Вагинит, вульвовагинал яллигланиш, тос суюги соҳасидаги нокулайлик.

Тез-тез эмас: Чанқоқлик ҳисси.

Кам ҳолларда: Ҳазнада ловуллатиб ачитиш, қичишиш, яллигланиш, тошма.

Такрорланиш тезлиги номаълум: Маҳаллий яллигланиш ёки ўта юқори сезувчанлик, алоқали дерматит.

Ушбу ножўя таъсирлар интравагинал қўлланилганида метронидазолнинг қондаги концентрацияси сезиларли даражада қуий бўлиши туфайли кам ҳолларда кузатилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Гайнекс® Форте суппозиторийлари қўйидаги ҳолатларда қўлланилмаслиги керак:

- фаол таркибий моддага ва унинг ҳосилаларига ўта юқори сезувчанлик;
- даволаниш вақтида ёки даволашдан сўнг 3 кун давомида алкогол истеъмол қилган пациентларда;
- даволаниш вақтида ёки даволашдан сўнг 2 хафта давомида дисульфирам қабул қиласидиган пациентларда;
- ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлиги вақтида;
- порфирия, эпилепсия, жигар функцияларининг жиддий бузилишларида.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Куийда қайд этилган препаратлар билан бир вақтда қўлланилганида метронидазол абсорбцияси туфайли қуийдаги ўзаро таъсирлар кузатилиши мумкин:

Алкогол: алкоголга чидамсизлик (дисульфирамсимон реакциялар).

Амиодарон: кардиотоксиклик хавфи ошади (QT интервалининг узайиши, «пируэт» туридаги юрак қоринчаси тахикардияси, юрак уриши тўхташи).

Астемизол ва терфенадин: метронидазол ушбу препаратлар метаболизмини сусайтиради ва уларнинг плазмадаги концентрациясини оширади.

Карбамазепин: карбамазепиннинг қондаги концентрациясини оширади.

Циметидин: метронидазолнинг қондаги даражасини оширади, шунингдек неврологик ножўя таъсирлар хавфини оширади.

Циклоспорин: циклоспориннинг токсиклик хавфини оширади.

Дисульфирам: марказий нерв тизимининг ножўя таъсирлари (масалан, психотик реакциялар).

Литий: қондаги даражасини оширади ва литий токсиклигини оширади.

Фенитоин: фенитоин даражасини оширади, қонда метронидазол даражасини камайтиради.

Фенобарбитал: қонда метронидазол даражасини камайтиради.

Фторурацил: қондаги даражасини оширади ва фторурацил токсиклигини оширади.

Перорал антикоагулянталар: антикоагулянт таъсири самарасини оширади (қон кетишлар юқори хавфи).

Метронидазол билан даволаш вақтида қонда жигар ферментлари, глюкоза (гексокиназли усул), теофиллин ва прокайнамид даражаларига таъсири қайд этилади.

Куийда қайд этилган препаратлар билан бир вақтда қўлланилганида миконазол нитрат абсорбцияси туфайли қуийдаги реакциялар кузатилиши мумкин:

Аценокумарол, анициндион, дикумарол, фениндион, фенпрокумон, варфарин: қон кетишлар хавфини оширади.

Астемизол, цизаприд ва терфенадин: миконазол ушбу дори препаратлари метаболизмини сусайтиради ва уларнинг плазмадаги концентрациясини оширади.

Карбамазепин: карбамазепин метаболизмини камайтиради.

Циклоспорин: циклоспориннинг токсиклик даражасини оширади (буйрак дисфункцияси, холестаз, парестезия).

Фентанил: опиоидлар таъсирини оширади ёки узайтиради (марказий нерв тизими сусайиши, нафас етишмовчилиги).

Глиметирид: гипогликемик таъсирини оширади.

Оксибутибин: оксибутибиннинг плазмадаги концентрациясини ёки таъсирини оширади.

Оксикодон: оксикодоннинг плазмадаги концентрациясини оширади ва организмдан чиқарилишини камайтиради.

Пимозид: кардиотоксиклик хавфи ошади (QT интервалининг узайиши, икки йўналишли тахикардия, юрак уриши тўхташи).

Фенитоин ва фосфенитоин: фенитоиннинг токсиклик хавфи ошади (атаксия, гиперрефлексия, нистагм, тремор).

Толтеродин: P₄₅₀ цитохроми танқислиги бўлган шахсларда толтеродин биокираолишлиги ошиши, 2D6 фаоллик.

Триметрексат: триметрексатнинг токсиклигини оширади (илик фаолиятининг сусайиши, буйраклар ва жигар функциялари бузилиши, меъда-ичак яралари).

Алоҳида пациентлар гурухлари учун қўшимча ахборот:

Алоҳида пациентлар гурухлари учун дориларнинг ўзаро таъсирлари юзасидан тадқиқотлар ўтказилмаган.

Болалар ёшидаги пациентлар:

Болаларда дориларнинг ўзаро таъсирлари юзасидан тадқиқотлар ўтказилмаган.

Максус күрсатмалар

Пациентлар дисульфирамсимон реакциялар эхтимоли туфайли препарат алкогол билан бир вақтда ва даволаш тұхтатилганидан сүнг 3 кун давомида құлланилиши мумкин эмаслиги түғрисида хабардор бўлишлари керак.

Метронидазолнинг юқори дозалари ва узоқ вақт құлланилиши периферик невропатияни ва тизимли құлланилиши туфайли томир тортишишларини чақириши мумкин.

Жинсий балоғатга етмаган қиз болаларга құлланилмаслиги керак.

Суппозиторийлардан ҳомиладор бўлишдан сақлайдиган диафрагмалар ва контрацептивлар билан бирга фойдаланиш мумкин эмас, чунки суппозиторийлар асоси каучук билан реакцияга киришиши мумкин.

Бошқа вагинал воситалар (масалан, тампонлар, босим остида сув ёки суюқ дори пуркаб ювиш ёхуд спермицидлар) даволаш давомида бир вақтда құлланилмаслиги керак.

Trichomonas vaginalis билан инфекцияланган жинсий шериклар бир вақтда даволанишлари керак.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида құлланилиши

Фертил ёшидаги аёллар/Тугилишини назорат қилиши (Контрацепция)

Гайнекс® Форте суппозиторийлари фаол моддасининг ҳомила ва янги туғилган чақалок ривожланишига таъсири етарлича номаълумлиги туфайли ушбу препаратдан фойдаланадиган аёллар тегишли усул ёрдамида ҳомиладор бўлиш эхтимолидан сақланишлари керак.

Ҳомиладорлик

Ҳайвонларда ҳомиладорлик, эмбрион/ҳомила ўсиши, перинатал ва/ёки постнатал ривожланишга тегишли клиникагача тадқиқотлар сони етарли эмас. Одам учун потенциал хавфи аниқланмаган.

Ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлиги вақтида Гайнекс® Форте суппозиторийлари препаратидан фойдаланишга тегишли клиникагача тадқиқотлар сони етарли эмас. Шу туфайли ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойлиги вақтида Гайнекс® Форте суппозиторийлари құлланилиши тавсия этилмайди. Ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи уч ойлиги вақтида шифокор томонидан фойда/хавф нисбати баҳоланиши керак, зарур бўлмаган ҳолатларда препарат құлланилмаслиги керак.

Лактация

Кўкракдан эмизиш тұхтатилиши керак, чунки метронидазол сутга ўтади. Кўкракдан эмизиш даволаш тугаганидан сүнг 24-48 соатдан кейин тикланиши мумкин.

Репродукция/Фертиллик

Метронидазол ёки миконазол нитрат алоҳида құлланилганида одам ёки ҳайвон фертиллигига хавфли таъсир мавжудлиги далил-исботлари аниқланмаган.

Автомотранспортни ва бошқа механизmlарни бошқариши қобилиятига таъсири

Метронидазолнинг тизимли құлланилиши автомобильни бошқариш ва механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсир этиши мумкин. Тизимли құлланишлага нисбатан маҳаллий құлланиладиган метронидазол қуий концентрацияларда ҳазнага сўрилади.

Гайнекс® Форте суппозиторийлари бош айланиши, атаксия, чарчоқлик ва кучсизликни чақириши мумкин, шу туфайли автомобильни бошқариш ёки механизmlар билан ишлаш қобилиятига таъсир этиши мумкин.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳаддан ташқари кўп миқдорли суппозиторийлар құлланилган ҳолатда, метронидазол туфайли тизимли таъсирлар пайдо бўлиши мумкин, бироқ метронидазол интравагинал құлланилганида ҳаёт учун хавфли симптомлар пайдо бўлиши кутилмайди.

Симптоматик ва қувватловчи даволаш ўтказилиши керак. Метронидазол учун специфик антидот йўқ. Метронидазол препаратининг 12 г дозасини қабул қилган пациентларга даволаш ўтказилиши керак.

Метронидазол дозасининг ошириб юборилиш симптомлари кўнгил айниши, қайт қилиш, қорин соҳасидаги оғриқлар, қичишиш, металл тъёми, атаксия, бош айланиши, парестезия, конвульсиялар, лейкопения, сийдик ранги қорайишидан иборат; миконазол нитрат дозасининг ошириб юборилиш симптомлари эса оғиз ва томоқдаги оғриқ, иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, бош оғриши, диареяни ўз ичига олади.

Чиқарилиш шакли

7 та вагинал суппозиторий ПВХ/полиэтиленли стрипда, 1 тадан стрип тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили

SP-289(A), RILCO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси худудида дори препаратларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:
“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Ҳалқа Йўли кўчаси, 91.

Тел.: + 998 78 150 97 97; факс: + 998 78 150 97 87

Уяли тел.: + 998 93 388 87 82

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz